



**Хамкасб**

# ИЗЛАНИШДАН ЧАРЧАМАЙТГАН БЕГОЙИМ



дан бегойим зўр! Ҳа, дастлаб курсатувга ушбу ном танлангандай эди. Бироқ аёлларга нафосатдан "дарс берувчи" курсатувнинг номи ҳам нафис бўлгани маъқул. У бутун куч-гайратини янги дастурни оёққа турғизиш ва дадил қадам ташлаш йўлида ишга солди. Шу сабаб Нилуфар Умрзокова бугун мухлислар орасида Бегойимга айланган улгурган.

Бегойим доим бир хиллик, қоллигга тушиб қолмайдиган қочади. Курсатувнинг деярли ҳар бир сони ўзига хос қиёфада ва улардан мавзуга янгича ёндашуви, янгича усулнинг кашф этиши мумкин. "Бегойим"даги бетакор ва гузал манзараларни, ҳаётий лавҳаларни кўрганда кўлам ҳайрон бўлаверман. Бу курсатув тасвирчиси Искандар Рустамов маҳоратининг бир кўриниши, ҳолос. Бугун "Бегойим" аёлларимизни фаоллик, шижоат, жўшқинликка чорламақда. Шу билан биз эркакларни ҳам ноғиз хиллик соҳиббалирига гузал муносабатда бўлишга ундамоқда. Уйлаб қарасак, бу борада дўппини олиб қўйиб фикрландиغان масалалар етарли.

Инсоннинг табиати қизиқ. Тўғри гап турғизганинга ёқмайди деганларидек, яхши насихат, маслаҳат ҳам кўпчиликка ёқмайдими. Шундай вазиятда кишилар ҳамиятига тегиб кетмайдиган тарзда, "айланма" йўллари билан ўз фикрини еткази олиш ҳам ижодий маҳорат, ҳам тажриба талаб қилади.

— Курсатув эфирга чиқиши билан унга биринчи баҳони дадам берадилар, — дейди қахрамонимиз. — Шу боис телекамера қаршида келар эканман, энг аввало, дадам кўз олдимида турадилар. Доимо у кишининг маслаҳатларига амал қилишга ҳаракат қиламан.

Чиндан ҳам Нилуфар Умрзокованин ижодий муваффақиятларга эришишида асли инженир бўлган отаси Толибжон ака ва онаси Зумрадхон аянинг хизматлари катта бўлган.

Бахт, Аёл саодати ҳақида кўп фикр юритадиган Бегойим энг бахтли аёллардан. Ахир ота-она ҳаётиги, фарзанд қувончидан ҳам азизроқ нарса борми бу дунёда? Бегойимнинг турмуш ўртоғи Алишер Мардонов журналист эмас, инженер. Қасбидан ҳам кўра оилани муқаддас деб

**Туғғу**

Оналар ҳақида, айниқса, ўзбек оналари, хусусан, ўз онам ҳақида гапиргани яхши кўраман. Кўнглим бир яраб олади. Боиси — ўзи мажбурлаб ёшиш, энг гузал каломлар қўйилиб келаяди. Бугун ҳам кўнглимдан онам ҳақидаги эзгу сатрлар тўқилмоқда.

Ўзбек оналари барибир бошқачадек туюлади менга. Бағри кенг, самимий, меҳр тула кўзлар... Онам ҳам ана шундай "бошқача" аёллардан. Уларни ҳамма оналардай оддий ва камсукум. Негадир мана шу оддийлик ва самимийликда буюклик турган. Ростини мен кўлга киритган кичик ютук ўзимдан кўра кўпроқ онамни қувонтира, кўнглимга суқилган гашилик уларнинг қалбига тиг бўлиб ботади. Биламан, барча ўзбек оналари ҳам мана шундай.

Онаминг оналари — бувимларникига борганимда ҳам, кўришгандан сўнг улар айтган сўзлар шу бўлади: — "Тинчмисизлар, онанг тузукми, болам?"

Англаб етаманки, онам ун эл омиллиги, фарзандлар соғлигидан бошқа нарса қарак эмас. Икки бувим ҳам буларникига тез-тез келиб туришди (Ум-

рлари узок бўлсин). — "Уйларинг ёнидан ўтайтиб, бир кириб кетай, дегандин", — дейдилар доимо. Лекин улар атайин ўз фарзандларини кўргани келганини, улардан кўнгли тинчмаётганини кўёш акс этган кўзлари айтиб туради. "Она барибир она-да", — деб уйлайман ўзимча.

Онаминг ҳар доим бирор иш ус-

гувчи меҳрибонимни яна уй ишлари билан машғул ҳолда кўриш бахти мени тарқ этмаслигини юракдан истаймман.

Тўғриси айтсам, ҳали онамга: "Сизни яхши кўраман", — дегаманман. Уларнинг ҳам айтганларини эслаш олмаман. Лекин ҳар бир сўзлари, меҳрли кўзларидан биланман, онам мени яхши кўрадилар. Мен эса онамни яхши кўраман.

Менинг чоп этилган мақола шўёрларимни ўқиб, ийғлар эканлар онам (Буни синглим Гулнора, укаларим "сотиб қўйишди" менга). Энтиқиб кетаман. Шукр, бу севиноч ёшлири. Иштиқиб, мени деб аламли ёшлар тўқмасинлар онам. Шунинг учун ҳам юрагимни эзгулик нурларига, онаминг номидай азиз МУҲАББАТ гулларига тутиб яшайвераман. Энг боқира тўйгулар, топ-тоза дунёлар, меҳр тула юраклар журлигида мана шу сўзларини баралла айтгим келаяверади: "Оналарни, менинг онамни ўзинг асра, Оллоҳчи!"

Беҳзод ФАЗЛИДИНОВ,  
ЎЗДЖУ тоғлиби



билган қахрамонимиз 6 ёшли фарзанди Шерзодбекни гузал хулқи, яхши инсон қилиб тарбияламоқда.

Ҳаётда хушқачқак, хушмуомала, шу билан бирга сермулоҳаза, етти ўлчаб бир кесадиған Нилуфар Умрзокова ҳеч қачон ўз фаолиятини қоникмагани. Гоҳида тажриба етишмаслиги, гоҳида бошқа сабаблар Бегойимнинг имконият даражасида ишлаш олмаётганига сабаб бўлиши мумкин. Ҳали у чет элларга чиқиш, жаҳон журналистикаси тажрибаларидан хабардор бўлишни истади, ўз курсатуви, ЎзТВни бутун дунё кўришини ният қилади. Уни қийнаётган ва ҳали қўлаб ажаойиб курсатувларга асос бўладиган мавзулар бисёр. Муҳими, Бегойим хотиржамликка берилиб ижодий изланишни тўқати қўймас бўлгани.

Изланишдан чарчаманг, Бегойим!

Собиржон ЁҚУБОВ

**Лоуҳа**

# "МАҚСАДИМИЗ — ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ"



90-йилларнинг ўрталарида мен Ўзбекистон ва Тожикистонда деярли беш йил ишладим. Мен Вирок Интернэшнлнинг "Хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлиги" лойиҳасидек самарали дастурнинг директори сифатида бу ерга ана қайтиб келганимдан жуда хурсандман.

Масълумки, аёллар доимий равишда дуч келадиган мураккаб муаммоларни бирдангина ва осонликча ҳал қилишнинг имкони йўқ. Бундай шароитда аёллар ўз-ўзига ёрдам беришни ўрганишлари керак. Лойиҳамизнинг мақсади — оила ва жамиятда гендер тенглиги нуктаи назаридан аёлларни ўз манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклаштириш ағалашга ўқитишдир.

Ҳозир биз туртта асосий йўналиш бўйича иш олиб бораёلمиз: грантлар бериш; тренерлар тайёрлаш; хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш; кўнглиларнинг дастури. Буларга қўшимча сифатида қандан бошлаб ОАВ, театрлар, концертлар орқали хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоясини тарғиб қилиш йўналишида ҳам иш олиб бориляпти.

Мамлакатимизда аёлларга жуда катта аҳамият берилмоқда. Афсуски, асарият хотин-қизлар ўз ҳуқуқларини билишмайди. Аёллар саводхонлигини ошириш, айниқса, қишлоқ жойларида долзарб масалалар. Айрим қизлар, ҳатто ота-оналар ҳам ўз ҳуқуқларини билиш ўқда турсин, билишга ҳам интилишмайди. Иқтисодий қийинчиликларни енгиш мумкин, бироқ ҳуқуқни англаш, саводхонлигини ошириш зарур масалалар сирасига киришини унутмаслик керак.

Вирок Интернэшнл лойиҳаси биринчи навбатда қишлоқларда яшаётган хотин-қизларнинг саводхонлигини оширишга эътибор қаратади. Айрим қизлар, ҳатто ота-оналар ҳам ўз ҳуқуқларини билиш ўқда турсин, билишга ҳам интилишмайди. Иқтисодий қийинчиликларни енгиш мумкин, бироқ ҳуқуқни англаш, саводхонлигини ошириш зарур масалалар сирасига киришини унутмаслик керак.

Дебора РИД,  
лоуҳа директори

**Сўхбат**

Бугунги мавзунимиз ҳамиса долзарблигини йўқотмайдиган, айтиш жоиз бўлса, мангу мавзу — АЕЛ ҳақида. Дунё яратилгандан то ҳозиргача жаҳон фозиллари, доноларимиз, шоирларимиз миллионлаб сатрларни яратганини ана шу мўъжизасига бағишладилар. Аёлнинг муқаддаслиги, унинг улуг фазилатлари: фаолияти, бурчи, вазифалари, оналиги, севимли ёр эканлиги доимо эъзодда.

Ўзбекистон халқ шоираси Халима Худойбердиева билан бўлган сўхбатимиз ҳам айнан шу мавзуда.

— Халима опа, келинг, сўхбатимизни шундан бошлаш. "Адабиётнинг боқий мавзулари: Туғилиш, Севиш ва Улимидир", деган эд буюқ фаласуфлардан бири. Шундай экан, сизнингча, бугунги ўзбек адабиётида Аёл образи, аёл талқини нечоғлик ҳаққоний ифода этиляпти?

— Олимаҳон, аёл талқини деганда кўп нарса эсимга тушади. Масалан, бизнинг қадрият ёзувчилари Абдулла Қаҳҳорнинг "Синчал" романи, Хамид Фуломнинг "Эъзохон"и, Абдулла Ориповнинг "Аёл" шеъри. Бу асарлар халқнинг юрагига қаттиқ ўрнашиб қолган. Синчал образи шу қадар машҳур бўлиб кетдики, бу ўша вақтларда кишиларга яхши маънода ўз таъсирини ўтказди, деб уйлайман. Ўша пайтларда адашмасам, аёлларга нисбатан ишонч ортагандай бўлдики, уларни жамият ишларига, раҳбарлик лавозимларига жалб этиш қўлайди. Одамлар сезгир, ишчан қобилиятли қизларга Синчалдек деб муножаат қиладиган бўлишди. Эъзагда шундай ёзсанг-да, одам. Қахрамонининг халқ орасига кириб бораётгани уларни ҳаётнинг қизиқарли бир бўлагига айланиб бораётганини кўриб туриш маъносини.

Абдулла аканинг "Аёл"и ҳам худди шундай. Адабиётда жоёба бўлган бу асарни халқимизга жойлардаги ўрашувларда нафакат ёшлар, ёши анча жойга бориб қолган ота-оналар ҳам, онахонлар ҳам бу шеърни шундай бир меҳр-муҳаббат билан ўқийдими, одамнинг кўнгли ўсади. Ҳаётда бўлганидек, адабиётда ҳам Аёл образи энг асосий ўринни эгаллайди ва қайсидадир маънода ижодкорнинг лабкати курсатувчи бир мезонга ҳам ўқшаб туюлади менга. Ҳар нечук Навоийзодалар етишиб келаяпти-да.

Яқинда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида катта талантларимиздан Фулом Мирзоининг аёлга бағишланган гузал бир қасидасини ўқидим. Жуда чиройли. Расом қўли билан чизилганга ўқайди бу шеър. Ушунда Навоий ҳазратларининг мухтасар, ҳеч қачон эскирмайдиган аёлга мактовий эсимга тушди:

Кўз бирла қошинг яхши, кабогинг яхши,  
Юз бирла сўзинг яхши, лудоғинг яхши.  
Энг бирла менгинг яхши, сақоқинг яхши,  
Бир-бир не дейин бошинг оёғинг яхши.

— Ўткинчи бир майларга берилиш, вақтинчалик иқтисодий қийинчиликлар аёл мавқеига бир қадар соя солаётгандек. Бозор-ўчарда ўзидан оғир халта кўтариб кетаётган аёлларни урчатганда ана шу фикр халқимиздан бот-бот ўтаверади. Бу мулоҳазага қандай қарайсиз?

— Сиз ўша "ўткинчи" иборасини жуда яхши ишлатдингиз. Нимани, қай ҳолатни халқ қабул қила олма унинг умри узун бўлади. Боболардан оталарга, оталардан болаларга ўтиб, сақланиб қолаверади. Кеч эълор кўп қилганимиз, Камолитдин Беҳзод суратларига, Леонардо да Винчи, Вангог су-

ратларига — ичмам, оёқлари узун отлардаги чавандозлар ёки номаълум аёл ёки болани кўтарган аёл, бола эмизаётган аёл... деган мочкинчи, мана шундай ҳолатлар, образлар замонлардан замонга шундай ҳолатда ёки бошқачароқ кўринишларда ўтиб келаяверади. Аммо ё ўтмишда ё бугунги расомларимизда кол кўтарган аёл суратини ҳеч қурганимизми? Сиз айтган манзаранинг ҳам гуниги ўтиш жараёни билан боғлиқлиги ҳам бор. Лекин ҳамма нарсаи моддий етишмовчиликка таъйирмаслик керак. Масаланин иккинчи томони ҳам бор. Мен шундай оилаларни биламан, улар уларига тула тўқ, бадастир оилалар. Лекин ўша бозордан

осон бўлган? Ҳеч ким билмайди. Ўзимизда Кумушни эсланг. Кундоши берган захардан бу дунёда кучи битиб жон талашиб ётган бўлса-да, суйган жуфти халол Отабекнинг Зайнабга айтган бир оғиз "талок" сўзини эшитганда кўзларини бир лаҳза бўлса-да, "ярқ" очган ва ... қайтадан хотиржам абадиёт уйқусига кетган Кумуш...

Рус адабиётида Анна Каренина (Толстой)и эсланг. Мақтанинг охири синфларида ўқиган бўлсам шундан то хануз, демак, 35 йиллардан бери кўз ўнгимда юракни зўр жиктирувчи ўша манзара... Қора тўфондай бўкириб, бостириб келаётган поезд ва муҳаббатнинг чавиртошли йўлида йиқиллавериб жондан тўйган, ўзини поезд остига ташлаётган Анна Каренина...

— Бир вақтлар арман шоираси Сильва Капусткиядан таржималарингизни ўқидим.

— Тўғри. Муҳаббат шеърларини ҳеч ким унга етказиб ёзолмайдигандай менинг назаримда. Сатрлари, қуйма, дардлари, изтироблари кучли.

зилатлари сизни ўзига кўпроқ ром этади?

— Аввало, аёллиги, ибоси, муомаласи, мулоҳазалиги, фаоллиги, замонавийлиги. Ўзини камтар, камсукум, пастрокда туриб балинда бўлган кўп нарсаларга эришмоқлиги...

— Халима опа, шу кунларда ёзилган, хали ҳеч ким эшитиб, ўқиб улгурмаган энг сўнги шеърингиз...

— Энг сўнги шеърим... Бундан бир неча кунлар олдин, ишдан уйга кетаётганимда Аъзам Ултамнинг дунёдан ўтганини айтишди. Бизнинг яна бир яхши шогирдимиз, баланд шогирдимизни ўлим олиб кетди. Шунда билмайдим, қанча уйланиб ўтирдим... бу шеър ҳам эмасдир балки.

Биласизми, Олимаҳон, биз "Машъала" дўстларимиздан Спиритидил, Шавкат Раҳим, Муҳаммад Юсуф, Аъзам Ултам... Булар ҳақинг оингчи ёритишда ўз хисасини қўшиб улгурган машъалалар эдилар. Биз болаларимизда қўрқардик, катта юмалок ўралган машъалалар бўларди. Бирдангина ҳамма ёқчи

— Сўхбатимиз сўнгида муқаддас аёлларга тиллагингиз?

— Аъза аёллар! Биби Фотиманинг мўмин қуларидай бўлинг! Беминнат дўстларим, озолик кўларингизни кўзларимизга кутуб бўлинг! Бу дунёни қўтариб турган икки устун (эркак ва аёлнинг бири) бўлганимиз боис Сизга кўп нарса боғлиқ. Бу эрк, хурлик қуларига қандай чангалдорлар оша қанча қурбонлар бериб етиб келганлигини Сиз яхши биласиз. Утинчнинг шулки, шул билимизини гўдакларимизнинг ҳар бирининг қулоқларига қўйиб улгуринг ҳар биридан бошимизда хилпираб турган озолик, эрк байроғининг қўрқичлари, посбонларини етиштирайсиз.

Жой олса чумоли бизим сафлардан Давлатимиз тугайли у арслон бўлмай, дейдилар булбулнафас бобоклонимиз Пахлавои Махдум.

Сиз азиз дўгонажонлар, шундай Пахлавоиларнинг зурриятлариниз! Халқимизнинг шундай бир йўналишга тушуши, бир байроқ остида жамланганлигида аёллар, ойназорларнинг хизматини эъқибс эканлигига тарих гувоҳлик беради. Ахир қадимги битик тошларимиздаги

У, Умай онамиз, Авлодлар эгаси, Бизга эркин асарлар Улар ато эти! каби табарқур ёзувлар бизгача бежиз етиб келмаган-ку. Омон бўлинг!

Сўхбатлов: Олғина ҲАМРОЕВА

**Танлов**

# "АТИРГУЛ"нинг эолиб гуллари

Миллий матбуот марказида ОАВни демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жағрамаси қошдаги "Журналист хотин-қизлар клуби"нинг 8 марта байрамига бағишланган тадбири бўлиб ўтди.

Ушбу клуб 2 йилдан буён аёл журналистларимиз бошини қовуштириш, уларнинг ижодий гурунларини ташкил этиб келарди. Яқинда клуб расман фаолият юритишни бошлади.

Байрам тадбирига таникли журналистлар, ижодкор аёллар ташириб буюрдилар. Уларни МДЖ ҳамраислари Х.Дўстмухам-

мад, А.Аъзам, "Муштум" журнали бош муҳаррири А.Жураев, Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси матбуот атташеси Режеп Карагузли баҳор байрами билан қутлади. Тадбир доирасида анъанавий "Атиргул" танлови гулбояри эълон қилиниб, уларга совғалар тақдим этилди.

Фолиблар орасида замондошларимиз фидоқорлиги, улар тафаккуридаги янгиликлар, инсоний меҳр-муҳаббат улугланган публицистик асарлар муаллифларидан "Правда Востока" газетаси ходимаси М.Мақсудова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

журналист Р.Шомансурова, Хоразм телевидение-сидан Гулбахор Рўзमतова, бухоролик Бахшанда Болтаева, "Сурхон тонги"дан М.Абдураимова ва бошқалар бор.

"Журналист хотин-қизлар клуби"нинг аъзоси 81 ёшли фахрий журналист Фарид Усмонованин "Қайта туғилганимда яна журналист касбини танлаган бўлардим", деган сўзлари барчаннинг кўнглида гаплар эди. Ана шундай садоқатли журналист аёлларимиз! Азиз ҳамкасблар байрамингиз муборак!

Дилнора АЗИМОВА



Дарҳол борардим мен чакирсан агар, Ортинга бурлимай кета олардим, Ҳатто Араратдан кеча олардим, Дарҳол борардим мен чакирсан агар.

Сен чакирмадинг... Муҳаббат нолларидан эшитмасми? Ҳиндларда Рабиндранат Тагорда "Бир аёл ҳасрати" деган шеър бор. Шундан бир тўртлик келтираман:

Калбингни очганингда эчангидан кирдим мен, Истар эдим калбингни бутунлай оғаллайин.

Унда менга ўрин йўқ. Қайтарга боркан эшик, Гуноҳкорман, анмо мен кинданам ўпкалайин?

Ирси жисмига монанд Ҳазрат бобомиз Мисзо Бобурдаги муҳаббат замнамалари-ку ер юзида хали халқимиз бор экан, унинг авлодлари бор экан, бу замнамалар уларнинг юрагига ўт, ларзалар солишда давом этса керак. Бу ўлмас сатрларга диққат қилинг:

То оқ юзинг йироқ тушиди, Икки кўзим ичра оқ тушиди.

Ой юзинг йўқда қаро ту бўлсин, Ер юзи остини устун бўлсин.

Келтурса юз балонини ушал бевафо менга, Келсун агар юзимни эвурсам боло менга.

— Бугунги ўзбек аёлининг қайси фарзанди? Унга етиш қачон, қайси халқда



АЁЛ ГУЛЛАСИН

Кўламан кўларини ўпсин дала, туз  
Аёл оёғига дунё чўқсин тиз.  
Кўламан гул келтирар, аёл ўғил-қиз  
Кўламан келаявери, аёл гулларини.

Бу ишқ саҳаридир, бу ишқнинг тунин  
Утга айлантириб бор ҳайвонин  
Девона қилгани эркак зотини  
Мақру хийлаларин хилу хилласин.

Беклар қай оловда ёнса ёнсинлар  
Аёлга яносин, эор, инсонинлар.  
Қолган барча ишққа қонса-қонсинлар  
Аёлнинг ишқиде мангу чўлласин.

Умрин чигалларин очмакларинда  
Ишқнинг осмонда, ишқнинг қаърида  
Дунё захру болсин ичмакларинда  
Аёлини пул остин, худу қўлласин.

— Сўхбатимиз сўнгида муқаддас аёлларга тиллагингиз?

— Аъза аёллар! Биби Фотиманинг мўмин қуларидай бўлинг! Беминнат дўстларим, озолик кўларингизни кўзларимизга кутуб бўлинг! Бу дунёни қўтариб турган икки устун (эркак ва аёлнинг бири) бўлганимиз боис Сизга кўп нарса боғлиқ. Бу эрк, хурлик қуларига қандай чангалдорлар оша қанча қурбонлар бериб етиб келганлигини Сиз яхши биласиз. Утинчнинг шулки, шул билимизини гўдакларимизнинг ҳар бирининг қулоқларига қўйиб улгуринг ҳар биридан бошимизда хилпираб турган озолик, эрк байроғининг қўрқичлари, посбонларини етиштирайсиз.

Жой олса чумоли бизим сафлардан Давлатимиз тугайли у арслон бўлмай, дейдилар булбулнафас бобоклонимиз Пахлавои Махдум.

Сиз азиз дўгонажонлар, шундай Пахлавоиларнинг зурриятлариниз! Халқимизнинг шундай бир йўналишга тушуши, бир байроқ остида жамланганлигида аёллар, ойназорларнинг хизматини эъқибс эканлигига тарих гувоҳлик беради. Ахир қадимги битик тошларимиздаги

У, Умай онамиз, Авлодлар эгаси, Бизга эркин асарлар Улар ато эти! каби табарқур ёзувлар бизгача бежиз етиб келмаган-ку. Омон бўлинг!

Сўхбатлов: Олғина ҲАМРОЕВА

— Сўхбатимиз сўнгида муқаддас аёлларга тиллагингиз?

— Аъза аёллар! Биби Фотиманинг мўмин қуларидай бўлинг! Беминнат дўстларим, озолик кўларингизни кўзларимизга кутуб бўлинг! Бу дунёни қўтариб турган икки устун (эркак ва аёлнинг бири) бўлганимиз боис Сизга кўп нарса боғлиқ. Бу эрк, хурлик қуларига қандай чангалдорлар оша қанча қурбонлар бериб етиб келганлигини Сиз яхши биласиз. Утинчнинг шулки, шул билимизини гўдакларимизнинг ҳар бирининг қулоқларига қўйиб улгуринг ҳар биридан бошимизда хилпираб турган озолик, эрк байроғининг қўрқичлари, посбонларини етиштирайсиз.

Жой олса чумоли бизим сафлардан Давлатимиз тугайли у арслон бўлмай, дейдилар булбулнафас бобоклонимиз Пахлавои Махдум.

Сиз азиз дўгонажонлар, шундай Пахлавоиларнинг зурриятлариниз! Халқимизнинг шундай бир йўналишга тушуши, бир байроқ остида жамланганлигида аёллар, ойназорларнинг хизматини эъқибс эканлигига тарих гувоҳлик беради. Ахир қадимги битик тошларимиздаги

У, Умай онамиз, Авлодлар эгаси, Бизга эркин асарлар Улар ато эти! каби табарқур ёзувлар бизгача бежиз етиб келмаган-ку. Омон бўлинг!

Сўхбатлов: Олғина ҲАМРОЕВА

# Қарши тиббиёт коллежи жамоаси




**Мунис ва мўътабар  
аёлларимизни**

**ИЛК БАҲОР АЙЁМИ  
билан самимий  
табриклайди.**

**ГЎЗАЛЛИК ВА ХУШ КАЙФИЯТ  
Сизни асло тарк этмасин!**

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ



**“ПАХТА БАНК”**

АЗИЁ ОНАХОНЛАРИМИЗНИ, ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗНИ

**8 МАРТ**

БАЙРАМИ БИЛАН ЧИН ЮРАКДАН КУТЛАЙДИ!

**“ПАХТА БАНК”**

СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМКОРИНГИЗ!

**“ЗАМИН” БАНКИ**

Ўзбекистон аёлларини

**НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК  
БАЙРАМИ**

билан самимий муборақбод этади!

Сиз туфайли ЗАМИН файзли, фараҳбахш,  
**МУҲТАРАМА АЁЛЛАР!**

Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,

П. Ржевский

кўчаси, 3.

Телефон: 55-72-97.

GLOBUS international life

Дараклар

НАТО МИШ-МИШЛАРНИ РАД ЭТМОҚДА

Буюк Британиянинг "Таймс" газетаси Босния серблари етакчиси Радован Караджични тутиш мақсадида НАТО томонидан амалга оширилган уришлар муваффақиятсизлигига соткинлик сабаб бўлгани ҳақида ётган эди. Газета таъкидлашчи, Франциялик офицер Караджични тутиш бўйича режа ҳақида серб полициясига маълум қилган. Бунинг оқибатида Караджич қочишга улгурган.



Бироқ НАТО Бош қотиби бу миш-мишларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини айтиди. Унинг айтишича, матбуотда келтирилган фикрларни тасдиқлайдиган бирор бир исбот мавжуд эмас.

АҚШ ИҚТИСОДИЁТИ ИНҚИРОЗДАН ЧИҚМОҚДА

Table with 2 columns: Year/Period and Percentage. Shows economic indicators for 1998-2001.

Сўнгги уч ой ичида АҚШ иқтисодиётидаги ўзгаришлар кўпчилик мутахассисларни ҳам хангун-манг қилиб қўйди. Зеро ўтган йилнинг сўнгги чорагида мамлакат Ялпи ички маҳсулоти эҳтиёткор мутахассислар фикрича 0.2 фоиз, уларни қувватламайдиганлар тахминича 0.9 фоиз ўсиши мумкинлиги қайд этилган эди.

МУКОЯСА ҲАҚИДА

Жанубий Корея ҳукумати ҳисоботида қайд этилишича, мамлакатда ташлаб юбориладиган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори Шимолий Кореяда ишлаб чиқарилаётган жами егулик маҳсулотлари миқдоридан орттиқдир, деб ёзади ВВС ўзининг интернетдаги саҳида.



ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Пактия вилоятининг Гардез туманидаги тоғларда ҳамон "Ал-Қоида" тарафдорлари беқиниб юрибди. АҚШ ҳарбийлари ана шу тоғларни оғирлиги 1 тонналик бомбалар билан бомбардимон қилмоқда. Яқинда "Чинук" вертолети уриб туширилиши оқибатида америкалик 6 аскар қурбон бўлган, 10 нафар аскар эса яраланган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Тафсилот

Исроил Хавфсизлик кенгаши 21 нафар яҳудийнинг ўлимидан сўнг фаластинликларга ҳарбий босим ўтказишни давом эттириш ҳақидаги қарорга келди. Исроил ҳукумати эълон қилган баёнотда айтилишича, ҳукумат аъзолари Фаластин раҳбарияти ҳамда Исроил ишғолига қарши жанг қилаётган жангари гуруҳлар ёки Исроил ҳукуматининг таъбирича, "террор ташкилотларига" қарши ҳарбий босимни давом эттириш тўғрисидаги қарорга келган.

Айни пайтда Франция президенти Жак Ширак Исроил ва Фаластин ҳудудларида зиддиятнинг янгидан авж олишини қоралади. Жак Ширак Саудия Арабистони шахзода-си Абдуллонинг Яқин Шарқ тинчлик режасини қўллаб-қувватлаган. Иордания ҳукумати ҳам Исроил ва Фаластиндаги сўнгги қон тўкилишлардан жиддий ташвишда.

Яқин Шарқ: Муаммо Ёчимининг Шаҳзода Абдулло Режаси

эканани билдирган ва барча ҳарбий ҳаракатларни тўхта-тишга чакирган. Араб давлатлари Лигаси бош қотиби Амир Мусо Ливияда президент Муаммар Қаддофи билан Саудия тақлиф қилаётган режа босида музокарада олиб борди. Исроилнинг Араб тўпроқларидан бутунлай чиқиб кетиши эвазига араб давлатларининг Исроил билан нормал алоқалар ўрнатилиши назарда тутилган бу режани Ливия раҳбари рад қилган. Муаммар Қаддофи Саудиянинг тинчлик режасини қўллаб-қувватлаётган араб давлатлари Лигасидан чиқиб кетиш билан таҳдид қилган. Айни пайтда Сурия ва Ливан пре-

зидентлари ҳам ушбу режага қарши эканиklarини билдирганлар. Дарҳақиқат, Саудия валиаҳди Абдуллонинг Яқин Шарқ тинчлик режаси ёзда содир бўлган момақалдиқ эслатиб юборди. Бу режага кўра, Исроил 1967 йилги олти кунлик уруш вақтида босиб олинган араб ерларидан чиқиб кетиши, араб давлатлари эса Исроил давлатини тан олиб, у билан дипломатик алоқалар ўрнатиши лозим эди. Кейинги кунларда бу тақлиф АҚШ ва бошқа гарб

қочқлари лагерларидан тортиб, маҳаллий ахборот агентликлари биносигача бемалол танлар билан бостириб киришига ўтди. Бундай ёндашув мамлакат ташқи ишлар вазирлигининг сўнгги баёнотида ҳам акс этган. Бу баёнотда Исроил мудофаа доктринаси ўз-ўзини мудофаа қилишга асосланиши айтилар экан, "Бизнинг кўшинларимиз Рафок ва Женин каби қочқолар лагерларида кўраётган ҳаракатлари айнан ўзини ўзи мудофаа қилишдан бошқа нарса эмас. Бу ҳаракатлардан

ди. Минг йиллик диний адолат устига қурилган Исроил-Фаластин муаммосига худди ечим йўқдек кўпчилиكنинг ҳафсаласи пир бўлган айни пайтда АҚШнинг араб дунёсидаги энг яқин иттифоқдоши ҳисобланмиш Саудия Арабистони подшоҳлиги янги тақлиф билан ўртага чиқди ва бу тақлиф дарҳол Вашингтонда қизиқиш уйғотди. Мазкур тақлиф қаерда, қачон ва ким томонидан ишлаб чиқилгани ҳозирча қоронғу. Бу режа муаллифи Абдулло тин-

мақсад Фаластин террорчиларининг омон қилишларига йўл бермасликдир", дейди Исроил Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот вакили Исроил ҳарбийлари хатти-ҳаракатларини оқлашга уринар экан. Исроил ўз ҳаракатларини шу таразда қўнунилаштириб турган, Ёсир Арофат эса ҳалқаро жамоатчиликка нажот кўзи билан боқаятган бир пайтда дипломатик саёв-ҳаракатлар ҳам бирон бир натижа бермади. Бунга АҚШнинг дипломатик ташаббуслари мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Европа Иттифоқи, НАТО вакилларининг минтақада қилган сафарлари ҳам деярли натижасиз туга-

члик режаси аксарият араб давлатлари ва Фаластин томонидан қўллаб-қувватланаётганини эълон қилди. Бу тақлиф муҳокамасида Фаол қатнашиш ниятида Марказий разведка бошқармаси директори Жорж Тенет дарҳол Жиддага келди. АҚШ давлат департаменти масалага эҳтиёткорлик билан ёндашиб, "Саудия тақлифи Араб-Исроил муносабатини ҳал этишга қаратилган конкрет режадан кўра, бу муаммога янгича ёндашуви белгиласи қарашдир" деган гапни айтиди. "Саудия ташаббуси минтақадаги ҳаётнинг омонлигини таъмин қилиш мумкин бир вазодир. Биз уни муҳим ва ижобий фикр деб толдик", деди давлат де-

Ажабо!

Рақами "Жинни"си

"Муқаддас Рим империяси"нинг императори Карл IVга тўрт рақами жуда экан. IV империясининг тўрт пойтахти бўлган, уларнинг ҳар қайсисини тўрт буюк княздан бири идора қилган. Ҳар тўртта саройда яшаб, ҳар қайси саройда тўрттадан уйни ишғол қилган. Ҳар бир уйда эса тўрттадан дераза, тўрттадан эшик, тўрттадан стол, тўрттадан қандил бўлган. Тантанали маросим пайтида император тўрт хил қимматбаҳо металлдан ясалган тўрт киррали тож кияр экан. У ўз империясини тўрт қисмга, армиясини

Тафаккур

Фикрлаш - Буюклик Нишонаси

Одамлар яхши инсон эканигизга ишонганини хоҳла-сизми, яхшиликнингиз билан мактанманг! Фикр уни ифодаляётган сўзга қараб ўзгаради. Фикр сўзга эмас, сўз фикрга моҳият бахш этади. Инсоннинг буюклиги унинг фикрлай билиш қобилиятидир. Ақл доимо ва ҳар соҳада хотира ёрдамга муҳтождир. Ҳақиқатни ўзига манфаатли пайтгачагина ҳимоя қилиб, сўнгра чекинадиган одамлар гоят жиркандир. Золимларни ўлдириб залолатни йўқотиш мумкинми? Ахир бу улар сонини кўпайтириш деганими? Ёмонликни яхшилик билан мағлуб қил. Адолат тушунчаси аёллар беэзаги каби модага, урфга айланишга мойилдир. Нега одамлар кўпчиликка эргашади? Улар тўғриликни узунми? Йўқ, улар кучлиги учун.

Блез ПАСКАЛЬ

Нега қадимий ақида ва қарашларга амал қилинади? Улар оқилоналиги учунгинами? Йўқ, кўпчилик томонидан қабул қилинган, адолат урғуларининг кўқаришига йўл қўймагани учун уларга амал қиладилар.

Биз ўйланган асарни тугатганимиздагина аслида уни нимадан бошлаш кераклигини англаб етამиз.

А.КАРИМ таржимаси

Advertisement for 'Aloqabank' featuring a large image of a building and text: 'Мухтарам юртдошлар! Акциядорлик-тижорат "АЛОҚАБАНК"', '8 МАРТ БАЙРАМИ БИЛАН ҚИЗГИН ТАБРИКЛАЙДИ!', 'ГўЗАП ҚИЗЛАРИМИЗ, ОҚИПА АЁЛЛАРИМИЗ, МУНИС ОНАЖОНЛАРИМИЗНИ НАҲОСАТ БАЙРАМИ билан табриклар, уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайди!', '8 МАРТ БАЙРАМИ БИЛАН ҚИЗГИН ТАБРИКЛАЙДИ!', 'ГўЗАПЛИК, ЭНГ АВВАЛО, САЛОМАТЛИКДИР!', 'МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 165. Телефон: 45-61-46.'

Advertisement for 'Juraabek Laboratories Ltd' featuring images of medicine boxes and text: 'ГРОСЕПТОЛ Антимикробное средство', 'АНАПИРИН Билеутолгилеуце средство', '"ЖЎРАБЕК ЛАБОРАТОРИЕЗ" LTD ГўЗАП ҚИЗЛАРИМИЗ, ОҚИПА АЁЛЛАРИМИЗ, МУНИС ОНАЖОНЛАРИМИЗНИ НАҲОСАТ БАЙРАМИ билан табриклар, уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайди!', 'ГўЗАПЛИК, ЭНГ АВВАЛО, САЛОМАТЛИКДИР!', 'МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 165. Телефон: 45-61-46.'

Мутахассисларнинг таъкидлашича, футбол ишқибозлари мусобақалар давомида 33 миллиард маротаба телевизорлар мурватини бураб, қизгин баҳслар гувоҳи бўладилар. Гарчи Ўзбекистон футбол терма жамоаси бу финал баҳсларида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлсада, миллионлаб юртдошларимиз жаҳон биринчилиги мусобақалари бошланишини сабр-сизилик билан кутмоқдалар. Чемпионатга тайёргарлик ҳусусидаги ҳар бир янгилик улар эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Шу боис биз спортнинг энг оммавий тури бўлган футбол мухлисларига бу борада кўмаклашишга ҳазм қилдик.

Бугун саҳифамизда Япония футбол, жаҳон кубоги баҳсларига қўнғиқар юрда кўрилатган тайёргарлик ҳақидаги материалларни эътиборингизга ҳавола этар эканмиз, етказилган маълумотлар учун Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонасига ҳамда "Ниппония" журнали таҳририятига миннатдорлик билдирамиз.

## ФУТБОЛ ЗАВҚИ БЕТАКРОР



Осиёда илк бор ўтказилган Жаҳон кубоги баҳслари 2002 йил 31 майда бошланади. Бу гал мезбонлик шарафи Корея ва Японияга насиб этди.

Ўнлаб йиллар давомида Жаҳон кубоги японлар учун кўл этмас орзу бўлиб келди. Гарчи футбол 1873 йилдан бошлаб Японияда ўз тарихига эга бўлсада, бу сирли ўйинда маҳорат етарли эмаслиги Япония терма жамоасининг баҳсларда иштирок этишига монеълик қилиб келди.


Миллат раҳнамолари Япония бўйсини юксалтириш учун мамлакатда футболни ривожлантиришга киришдилар. 1991 йилдан "Жей лиг" – Япония футбол лигаси ташкил этилди. 1993 йилдан ушбу лига фаолият бошлади.

Орауларимиз 1998 йилдан ушала бошлади, дейди Япония футбол ассоциацияси президенти, Халқаро Олимпия кўмитаси аъзоси Окано Сунъитиро. – Зеро шу йили футболчиларимиз Францияда ўтказилган чемпионатда иштирок этдилар. 2001 йил июнда Япония терма жамоаси ФИФА Конфедерациялари кубоги баҳсларида иккинчи ўринни эгаллади.

О.Сунъитиро Жаҳон кубоги баҳслари ташкилотчи ва иштирокчиларга ўзга маданиятлар билан янада яқинроқ танишиш имкониятини беради, деган фикрда. Унинг айтишича, бу аjoyиб мусобақалар япон спорт маданиятида ҳам янги саҳифалар очади.

Япония баҳслар баҳона ўз олдига қўйган икки эзгу мақсадга етишишга интилоқда. Аввало, ХХI асрда кучли ўнликда барқарор ҳаракат қиладиган маҳоратли терма жамоани шакллантириш, иккинчидан, анжуман сабаб қўрилган спорт иншоотларининг кейинчалик мамлакатда жисмоний тарбияни маҳаллий даражада оммавийлаштиришга омил бўлишига эришиш.

Бизнинг назаримизда Корея ва Японияда бўлиб ўтадиган футбол мусобақалари нафақат ушбу мамлакатлар, балки дунёнинг бошқа давлатларида ҳам оммавий спорт, айниқса футболнинг ривожланишига ижобий туртки бўлади. Зеро футбол завқи бетакрордир.



## 10 000 НАФАР ЖУРНАЛИСТГА ҚУЛАЙЛИК

Ҳар бир Жаҳон биринчилиги финали аввалгисидан янада қизиқарлироқ кечмоқда. Жунбушга келаётган эҳтирослар стадионлардан хонадонларга, кўчаларга кўчмоқда. Маълум бўлишича, Францияда бўлиб ўтган сўнгги чемпионатни томоша қилган телетомошабинлар аудиторияси 33 миллиард нафардан ортиқ бўлган. Мутахассислар бу гал уларнинг сони янада ортишини тахмин қилишмоқда.

Бу футбол баҳслари ҳақидаги ахборотга юксак эҳтиёж мавжудлигини кўрсатади. Бундай эҳтиёжни қондириш учун ташкилотчилар иккита Халқаро Матбуот маркази (ХММ) ташкил этдилар. Уларнинг бири Корея Республикасининг Сеул шаҳрида, иккинчиси Япониянинг Иокогама шаҳрида жойлашган.

Иокогамадаги ХММ Минато Мирей туманидаги "Пасифико Иокогама" кўргазмалар павильонидан қарор топган. У ўз эшикларини тadbирлар бошланишидан уч ой аввалдан ташриф буровчиларга очган.

Тахминларга қараганда, финал баҳсини 10 мингдан зиёд журналистлар ёритиши кўтилмоқда. Ҳозир ХММда улар оғирини енгил қилиш учун ҳамма нарса муҳайё этиш учун ҳаракат қилинмоқда.

Халқаро Иокогама стадиони хавфсизлигини таъминлашнинг пухта тизимига эга. Бунга ФИФА Конфедерациялари кубоги ўйинлари чоғида яна бир бор амин бўлдик, - дейди Исида Такаҳиса. У Жаҳон биринчилигини ўтказиш Япония Ташкилий кўмитаси қошидаги Хавфсизлик ва аккредитация бўлими директори этиб тайинланган.

Турли командалар бошқа – бошқа стадионларда тўп суришади, — дейди И.Такаҳиса. — Уларнинг ҳар бири ўзига хос ва тегишли хавфсизлик мосламаларига эга. Кириш, чиқиш учун ҳам хавфсиз йўлақлар бор. Ҳар бир ўйинда хавфсизлик хизматининг 700-800 та ходими ва яна 500 нафар кўнгилчилар томошабинларни жойларига қузатиб, керакли маълумотлар билан уларни таъминлаб туришади.

Чет эллик меҳмонларнинг хордик чиқариши ва ўйинлардан завқ олиши учун хавфсизлик борасидаги фаолиятимизни полиция ва маҳаллий ўз ўзини бошқариш органлари ходимлари билан мувофиқлаштирилган ҳолда олиб борамиз.

Биз лаззатланишга ҳалал бермаслик учун хавфсизлигини таъминлашни табассум билан амалга оширамиз. Албатта, назорат ва текширувлар бўлади. Лекин биз меҳмонлар бу тadbирларни тушуниш билан қарши оладилар, деб ишонамиз.

## ЙОКОГАМА – ЯПОН ФУТБОЛИ ВАТАНИ

Япония футбол тарихи 1873 йилга бориб тақалади. Ушанда Британия флот калитан-лейтенанти Дуглас Токионинг Цукидзи туманида жойлашган Япония харбий-денгиз академияси курсантларини футбол ўйнашга ўргатган.

1968 йилда асос солинган Иокогама Крикет клуби тарихи саҳифаларида 1904 йилда бу клуб Токио Педагогика университети талабалари билан футбол ўйнагани ва 9:0 ҳисобида ғалаба қозонгани кайд этилган. Иокогама Футбол ассоциацияси Президенти Фузикаки Такаакунинг айтишича, бу Японияда ўтказилган биринчи халқаро спорт анжумани бўлган.

1964 йилда Токиода Олимпия ўйинлари ўтказилганда футбол бўйича мусобақалар ҳам Иокогаманинг "Мицудзава" стадионида ташкил этилган. Шундан сўнг бу ерда кўнлаб қизгин футбол баҳслари бўлиб ўтди. 1979 йилда ўтган Жаҳон ёшлар ўйинлари доирасидаги мусобақалар ҳам шулар жумласидандир. Харқалай Фузикаки Такаки 2002 йилда Жаҳон биринчилиги финал баҳси Иокогамада бежизга ўтказилгани йўқ, ҳатто бу табиий ҳол деб ҳисоблади.

З.БЛАТТЕР: Умр йўлдошим — ФИФА

Зелл Блаттер – таниқли футбол сиёсатчиси. Айни пайтда 64 ёшни уриб қўйган бу швейцариялик 1975-1981 йилларда ФИФА Техник директори, 1998 йилгача унинг Бош котиби бўлиб ишлаган. 1998 йилда оғир қурашлардан сўнг ФИФА Президенти этиб сайланганди.

Бир гал З.Блаттер "Мени унаштирилган, десангиз бўлади, қайлигим эса ФИФА. Унинг ёши 98 да", деган эди. Дарҳақиқат, мансабдан туширишга уринишлар тўхтамаганига қарамай, у ҳамон ФИФА "югани"ни заррача бўшаширтгани йўқ.

Кореяда ит гуштини ҳўш кўришларини биласиз. ФИФА Президенти яқинда Жанубий Корея мамурулари билан жиддий баҳса киришди. У Жаҳон биринчилиги мавсумида итларни ўлдиршдан тийилишини талаб этмоқда.

**ТАХМИН**

Футбол миллионлар ўйини. У пайдо бўлган даврдан бундан кўп бўлган ишқибозлари етишиб чиқдики, уларнинг бошоратлари, ўйинлар олдидан билдираётган тахминлари ақли ношарбади. Шу йил ёзида бўлиб ўтажак Жаҳон чемпионати олдидан болага салкам фанат бўлган хавфсизликчи "Ким чемпион бўлади?" дес сурадик.

**Н.ИСМОЙЛОВ, журналист:** — бўлса керак. Қўнғим сезиб

**Э.САТТОРОВ, "Спорт+Футбол" газетаси масъул ходими:** — Италиянинг икки чемпионатини кузатиб борамман. Менимча, Италия термасидан эъри ВУК.

**А.ЖОНУЗОҚ, журналист:** — Аргентина ёки Италия гўлиб бўлиши мумкин. Аргентинада таркиб кучли, ланининг ўйин услуби жуда каб.

**М.ЭЛМУРОДОВ, журналист:** — Франция ёки Япония қўдам бўлиши аниқ. Франциянинг тарихидаги футболчилар кўнглини юлдўзлар, Японияни эса мезбон сифатида таушунини мумкин.

**Ита-мурак-пеш**


**М.ЭЛМУРОДОВ, журналист:** — Франция ёки Япония қўдам бўлиши аниқ. Франциянинг тарихидаги футболчилар кўнглини юлдўзлар, Японияни эса мезбон сифатида таушунини мумкин.

**Саҳифа материалларини А.КАРИМ ва З.АЛИБЕКОВ тайёрлади.**

# HURRIYAT Sport



Кано ТОСИХИКО фотоси



## “ЖЕЙ ЛИГ” – ПРОФЕССИОНАЛЛАР ЛИГАСИ

“Жей лиг” – Япония футбол лигаси 1993 йилда 10 профессионал команда иштирокида ташкил топди. 1999 йилдан эътиборан у икки дивизиондан иборат тизимга ўтди. Ҳозир биринчи дивизионда 16, иккинчисиди 12 команда баҳс юритади. “Жей-1” да мусобақалар икки мавсумда – мартдан июлгача, августдан ноябргача давом этади. “Жей-2” ўйинлари эса бир мавсумда ниҳоясига етади.

Кубок ўйинларида биздагидек ҳар икки лига командалари қатнашадилар.

Ҳар бир клуб ўзга мамлакатдан 5 нафар лигионер таклиф қилиш ҳуқуқига эга. Хусусан, Япониянинг “Касима Антлерз” жамоаси бразилиялик Зико, “Жей Юнайтед Итихара” клуби эса Германиядан Пьер Литтбарски билан шартнома имзолаганди. Жаҳон футболнинг бундай ёрқин юлдўзлари Японияда ўзларига билдирилган ишончни оқлашди. Улар “Жей лиг” савиясининг юксалишида, япон футбол маҳорати ривожига ўзига хос ўрин тутдилар.

# ЖАҲОН ФУТБОЛ БАЙРАМИНИ ОРЗИҚИМЪ КУТМОҚДА

### ФИНАЛ - ЭНГ ЙИРИК СТАДИОНДА

Япониядаги энг йирик стадион 72370 томошабинга мўлжалланган. Бу – Иокогама стадионидир. Жаҳон чемпионатининг финал баҳси ана шу зангор майдонда бўлиб ўтади.

Илк қатордаги ўринлар майдон билан бир саҳнда жойлаштирилган бўлиб, томошабинларни воқеалар манзилига яқинлаштиради.

Стадиондаги яна бир янгилик – Японияда илк бор қўлланилаётган автоматик видеокамерада. У тўп ва ўйинчилар ҳаракатига қараб трибуна узра ҳаракатланиб туради. Камера 7 секундда 100 метр тезликда ҳаракатланиб, олинган тасвирларни стадионнинг икки четиди ўрнатилган йирик экранга узатиб туради.

Японлар шабнам тушган майсани соғлом майса деб эътироф этадилар. Шу боис зангори майсалар алоҳида парваришда. Айтганча, 2001 йил 7 июн кунги Конфедерация кубоги ярим финали шу стадионда ўтказилиши лозим эди. Шаррос қуйган ёмғир кўпчилиқда ташвиш уйғотганди. Бироқ, ўйин чоғи шаррос ёмғир қуйганига қарамай, бирор жойда заррача кўлмак ҳосил бўлмади.

Мана бун тийёргарлик деса бўлади! Демак, барчаннинг эътибори 2002 йил 30 июн кунги Иокогама яшил майдонига қаратилган бўлади!



## ХАВФСИЗЛИК... ВА ТАБАССУМ

Чет эллик меҳмонларнинг хордик чиқариши ва ўйинлардан завқ олиши учун хавфсизлик борасидаги фаолиятимизни полиция ва маҳаллий ўз ўзини бошқариш органлари ходимлари билан мувофиқлаштирилган ҳолда олиб борамиз.

Биз лаззатланишга ҳалал бермаслик учун хавфсизлигини таъминлашни табассум билан амалга оширамиз. Албатта, назорат ва текширувлар бўлади. Лекин биз меҳмонлар бу тadbирларни тушуниш билан қарши оладилар, деб ишонамиз.

MUSTAQUI GAZETA  
**HURRIYAT**

**Муассис:** Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

**Бош муҳаррир:** Амиркул КАРИМОВ

**Таҳрир хайъати:** Хуршид ДЎСТМУХАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқохор ИБРОҲИМОВ, Абдуқайом ЙЎЛДОШЕВ, Наним КАРИМОВ, Норали ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚУЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

**Индекс:**

Яққа обуначилар учун – 233 Ташкент учун – 234

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик концерни басмахонасида босилди. Манзил: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Тошпириш вақти – 21.00  
Собиржон ҲУСНОВ Тошпириш вақти – 19.00  
Буюртмо – Г-3142

Муаллиф фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин. Таҳририятта юборилган мактуб ва мақолаларга эъза жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida teritil va nashrlanadi.